

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ

Методик-библиографик қўлланма

Тошкент – 2006

**78.342**

**Д 14**

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

<i>Тузувчи</i>	<i>М.Матмурадова</i>
<i>Муҳаррир</i>	<i>Ҳ.Маматраимова</i>
<i>Масъул муҳаррир</i>	<i>О.Қиличбоев</i>
<i>Матн терувчи</i>	<i>З.Жалилова</i>

Давлат рамзлари: *Метод.-библиогр. қўлл. / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи М.Матмурадова; Муҳаррир Ҳ.Маматраимова; Масъул муҳаррир О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2006.- 56 б.*

***КБК 78.342+67.400 (5 Ў)***

Давлат рамзлари – “Байроқ”, “Герб”, “Мадҳия” давлатимиз тимсоллари сифатида ҳамиша азиз ва муқаддас саналган рамзлардир. Ушбу методик-библиографик қўлланма миллий онг, ифтихор, миллий ғурур, иймон-эътиқод, Ватан тимсоллари, рамзларимизнинг маънавий-маърифий куч-қудрати ниҳоятда юксаклигини чуқур ўрганиш, тарғиб қилишда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва махсус кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ходимларига ёрдам бериш мақсадида тузилган. Унда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳақида маълумотлар берилган.

**© Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти, 2006 й.**

## Муқаддима

*Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари – байроқ, герби ва мадҳиясига эга. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 5 модда.*

Давлат рамзи – бу мустақил давлат белгисидир. У давлат байроғи, давлат герби, давлат мадҳияси, мамлакат миллий валютаси, мамлакат Конституциясида ва муҳим қарор ҳамда анъаналарда ўз ифодасини топади.

Мустақилликка эришганимиздан кейин МДХ мамлакатлари орасида биринчилар қаторида жуда қисқа вақт ичида давлатимизнинг асосий белгилари – Байроқ, Герб ва Мадҳиямизга эга бўлдик.

Мустақиллик бизга инъом этган ватанпарварликнинг олий рамзлари ҳақида сўзламасдан илож йўқ. Ватанпарварликнинг олий рамзлари халқимиз ва ҳар бир фуқаро қалбидан мустаҳкам ўрин олаётганлиги ниҳоятда қувончлидир. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳи олдида 180 тадан ортиқ мустақил давлатлар байроқлари қаторида мағрур ҳилпираб туришини кўриш ва ҳис этиш нақадар катта бахт, инсонни нақадар кучли бир ҳиссиётга чулғаб олади... Президентимиз Ислоҳ Каримов жуда тўғри таъкидлаб ўтганидек: “Ўзбекистон фуқаролари учун мустақилликнинг муқаддас рамзлари – Давлат Герби, Давлат Байроғи, Давлат Мадҳияси азиздир. Улар она-Ватан – Ўзбекистон Республикасига ифтихор ва чексиз ҳурмат туйғусини тарбиялайди”.

Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграб, байроғимиз бошимиз узра ҳилпираганда, озод Ватанимизга нисбатан қалбимизнинг туб-тубидан чуқур муҳаббат қайнаб чиқади,

хурмат эътибор кучаяди, ғурурланамиз. Ўзбек халқидай буюк миллатни аждодларимиз ҳоки ётган замин узра бирлаштирган она Ватандан доимо фахрланиб, унга садоқат, бор меҳримиз, меҳнатимиз, истеъдодларимизни бахш этиб, яшашимиз зарур.

Ҳақиқатан ҳам ҳар бир давлат фуқароси ўз рамзларини тумордек эъзозлаши шарт. У қайси миллатга ёхуд динга мансуб бўлмасин, ўз давлатининг шон-шавкати учун куюниши табиий бўлмоғи керак. Жумладан, Ўзбекистон байроғи, герби, мадҳиясини, яъни давлатимиз рамзларининг ҳар бирини ўз ўрнида улуғлаймиз.

2006 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинган кунга 15 йил тўлди.

2007 йил 2 июлда - Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби қабул қилинганига 15 йил тўлади.

2007 йил 10 декабрда эса - Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қабул қилинганига 15 йил тўлади. Ҳар куни тонг отганда, телевизор ёки радиода Давлат мадҳияси янграйди. Байроғимиз эса мустақил юртимиз осмонида ҳилпираб турибди. Шунингдек, давлат рамзлари тўғрисида ҳар бири учун алоҳида қонунлар чиққан, Давлат байроғи, Давлат герби, Давлат мадҳияси ҳақида рисоалар ва илмий мақолалар ҳамда адабий-бадиий нашрлар чоп этилган.

Ушбу нашрлар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва махсус кутубхоналарда, республика ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг каталог ва картотекаларида ўз аксини топган.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва махсус кутубхоналар, республика ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг вазифаси китобхонлар диққатини давлат рамзлари ҳақидаги нашрларга жалб қилиш ва уни тарғиб қилишдан иборат.

Бу ишда адабиётлар тарғиботининг, илмий-амалий, китобхонлар конференциялари, давра суҳбати, билимдонлар беллашуви, мунозара ва савол-жавоб кечалари, учрашув кечалари, мавзули кечалар, адабий-бадий кечалар, доимий китоб кўргазмалари, асарлар ва вақтли матбуот нашрларида чоп этилган мақолаларнинг обзори сингари турли туман шакл ва усулларидан фойдаланишлари мумкин.

Бундай тадбирлар туркумини ташкил этиш учун филологлар, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, санъаткорлар, сиёсатшунослар, файласуфлар, тарихчилар, журналистлар ҳамда ҳукушуносларни жалб қилишни тавсия этамиз.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда махсус кутубхоналарга, шунингдек ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларига “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказининг жойлардаги бўлимлари, “Маҳалла”, “Олтин мерос”, “Соғлом авлод учун”, “Нуроний” жамғармалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, адабиётшунослар, файласуфлар, сиёсатшунослар, тарихчилар, хотин-қизлар кўмиталари, журналистлар, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан ҳамкорликда оммавий тадбирларни ташкил этишлари ва ўтказишларини маслаҳат берамиз.

Ушбу методик-библиографик қўлланмада давлат рамзларига бағишланган тадбирларни ўтказишда кутубхоначиларга ёрдам бериш мақсадида китобхонлар билан ишлашнинг айрим шакллари кўриб чиқилган.

## Муқаддас рамзлар, муқаррам тимсоллар

Давлат рамзлари – давлат мустақиллигини шартли равишда белгиловчи ташқи белги, нишона ёки тимсоллардир. Булар муайян давлатнинг байроғи, герби, миллий валютаси ва мадҳиясидир. Улар мазкур давлатнинг тузумини, халқнинг табиати-менталитетини, иқтисодий асосларини ва бошқа муҳим белгиларини англатади.

Давлат рамзлари кўп минг йиллик тарихга эга бўлиб, миллий давлат қурилиши ва маданий ривожланиш тарихи билан боғлиқ.

Жумладан, бу рамзлар мазкур давлат фуқароларига гўёки руҳсатнома ёхуд хужжат ҳисобланган. Тарихий манбаларда берилган маълумотларга кўра Буюк Амир Темур бобомиз давлат рамзларига жуда юксак сиёсий аҳамият берганлар. Амир Темур жанг майдонида бир лашкар омон қолса ҳам, у мамлакат байроғини баланд тутсин, деб фармон берганлар. Байроқнинг эгилиши мағлубият белгиси деб қабул қилинган.

Темур бобомизнинг байроғи сингари герблари ҳам бўлган. Жумладан, Амир Темур яратган марказлашган давлат ўзининг герби – уч халқа шаклидаги тамғаси билан танилган. Соҳибқироннинг юришларида лашкар олдида унинг туғи – байроғи олиб юрилган.

Ўзбекистоннинг Янги тарихидаги биринчи расмий давлат рамзи – герблари Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларида жорий қилинган. Хоразм Халқ Республикасининг 1920 йилда таъсис этилган герби унинг қишлоқ хўжалигига асосланганлигини акс эттирган: унда ўроқ, белкурак ва маккажўхори сўталари нақши бўлган. Хоразмнинг 1922 йилги Конституциясига кўра гербга бешқиррали юлдуз ва яримой шакллари – дин тимсоли киритилган. Бухоро Халқ Республикасининг геральдик белгилари ҳам шу аснода таркиб топган бўлиб, унга ўроқ, яримой ва бешқирра-

ли юлдуз шакллари киритилган. Бу халқ республикаларида давлатнинг бошқа рамзлари – байроқ, мадҳия ва миллий валюта масалалари тўла ҳал этилмаган ва илмий адабиётларда деярли ёритилмаган.

Юртимиз мустақилликка эришгач, халқимизнинг азалий орзу-истаклари, эзгу интилишлари Ўзбекистон Республикасининг янги давлат рамзларида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Мустақиллик йилларида “Ватан тимсоллари” ҳамда “Давлат рамзлари” атамаларини эмин-эркин, қолаверса, бутунлай янги маъно-мазмун билан ишлатадиган бўлдик.

Давлатнинг Конституцияси, Президенти ҳам бевосита Ватан тимсоллари саналади.

Давлат рамзлари – ўта муайян тушунча. Учта рамзгина, қачон ва қаерда бўлишидан қатъий назар, давлатни билдиради. Бу Давлат байроғи, Давлат герби, Давлат мадҳияси.

Рамзларнинг ҳар бири махсус қонун билан қабул қилинган. Бу қонунлардан ҳар бирининг иккинчи моддасида шу муайян рамзнинг давлат мустақиллиги белгиси экани алоҳида қайд этилган.

Жумладан, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонун 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган. Бу қонунда байроғимизнинг шакл-шамойили, фойдаланиш йўл-йўриқлари аниқ кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи мамлакат Президенти, Олий Мажлис, Ўзбекистон ҳукумати, маҳаллий давлат идоралари, Ўзбекистоннинг турли ваколатхоналари иш олиб бораётган биноларда, Ўзбекистоннинг рамзий делегациялари қатнашаётган халқаро тадбирларда кўтарилади. Бу қоидалар алоҳида қонун асосида белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига нисбатан ҳурматсизлик билдирган шахс ёки ташкилот белгиланган тартибда жазоланади.

Бугун у Ўзбекистоннинг чет мамлакатларидаги элчи-хоналари узра Ватанимиз ва халқимизнинг ёрқин тимсоли бўлиб балқимоқда. Халқаро спорт мусобақаларида ғолиб бўлган юртдошларимиз шарафига байроғимиз баланд кўтарилганида ўзларини Ўзбекистон фарзанди деб билгувчи ҳар бир кишининг қалбида ғурур ва ифтихор туйғулари жўш уради. Зеро, Ватан байроғи унинг ўзи каби азиз ва муқаддасдир.

Байроқ қадим-қадимдан Ватан овозлиги, миллат бирлиги ва ғалабаси тимсоли бўлиб келган.

Байроғимиздаги ҳар бир ранг ва белгида халқимизнинг асрий анъаналари, миллий қадриятларимиз акс этган. Мовий ранг азалдан куч-қудрат, тинчлик, тенглик, беғуборлик, донишмандлик тимсоли саналган. Оқ ранг поклик ва фаровонлик, халқимизнинг бағри кенглик ва оқ кўнгиллилиги ифодаси. Яшил ранг яшариш ва янгиланиш тимсоли. Қизил чизиқлар томирларимизда жўшиб оқаётган ҳаётий қудрат - мангулик ифодасидир. Байроғимиздаги ярим ой ва юлдузлар тасвири овозлик, барқарорлик, келажакка ишонч, иймон-эътиқод тимсолидир. Шарқда ўн икки рақам мукамаллик рамзи саналган. Ўн икки ой, ўн икки бурж... Соҳибқирон Амир Темур ҳам давлат бошқарувида раиятнинг ўн икки қатламига алоҳида эътибор қаратгани маълум. Бинобарин, байроғимиздаги ҳилол ва ўн икки юлдуз ҳам ўзига хос теран маънога эга.

Дарҳақиқат, А.Кўчимов таъкидлаганидай:

*У адолат, коинот, обиҳаёт тимсоли.*

*У эзгулик, шон-шухрат, бахт-саодат тимсоли,*

*Буюк Амир Темурнинг ғолиб туғу мисоли,*

*Камалакдек товланар истиқлолим маёғи.*

*Ўзбекистон байроғи!*

*Ўзбекистон байроғи!*

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг биринчи йилидаёқ Давлат гербига эга бўлди. 1992 йилнинг 2 июлида

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Бугун Ўзбекистонимизни жаҳоннинг турли бурчакларида гербига қараб ҳам танишади.

Тамғамиздаги ҳар бир чизик, ҳар бир ранг, ҳар бир белгида муайян рамзий маъно бор.

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасида шундай сўзларни ўқиймиз: “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда турган ўзга шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини беҳурмат қилганлик Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жазоланади”.

Адабиётшунос олим Султонмурод Олим таъкидлаганларидек, гербимиз бизга бир қадимий рамзий шаклни қайтариб берди. Бу – тамға тепасидаги саккиз юлдуз. Уни “мусамман” дейишган. Эски масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар, саройлар, меҳмонхоналар, миноралардаги нақшларда бу шаклни кўп учратамиз. Бу рамзан жаннатнинг саккиз эшигига ишора сифатида қабул қилган. Мусамманнинг ичида мусулмон Шарқи халқлари учун умумий рамзлардан ҳисобланган ҳилол, яъни ярим ой ва юлдуз акс эттирилган. Гербдаги бу тасвирлар эса рамзий маънода аҳолисининг катта қисми мусулмон бўлган мамлакат эканимизни билдириб туради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 15 апрелдаги қарорига биноан, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги Қонуннинг айрим бандларига муайян ўзгаришлар киритилди. Жумладан, бундан буён ярим ой ва юлдузлар олтин рангда эмас, оқ рангда бўладиган бўлди.

1992 йил 10 декабрь тарихимизга мустақиллигимизни мустаҳкамлаш даврининг муҳим воқелиги содир бўлган кун сифатида кирди. Бу кун Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитети мадҳиясининг ҳуқуқий мақомини белгилаб берган қонун қабул қилинди. “... фақат истиқлолгина халқимизга ўз Ватанида ўзини эркин ҳис қилиш, чинакам миллий қадриятларни тиклаш, ўз миллий давлатчилигини шакллантириш имконини берди”\*. Мадҳиямиз мамлакат мустақиллиги, халқ озодлиги давлатнинг буюк келажаги ҳақида куйлайдиган, фаровон жамият қурилиши йўлида фидокорона меҳнат, бунёдкорлик ва тadbиркорликка руҳ бағишлашга хизмат қиладиган истиқлол рамзидир.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси – миллий мустақиллик, озодлик ва ўз тақдирини ўз қўли билан яратишга эътиқод каби умуминсоний ва миллий қадриятлар маҳсулидир. Давлат мадҳиясининг элементлари давлатчилик тарихининг илк босқичларидаёқ пайдо бўлган Давлат мадҳиялари турли шаклларда ва мазмуни узоқ замонлардан бери у ёки бу тарзда маълумдир. Биз унинг тарихига тўхталиб ўтирмаймиз. Инсоният тарихида энг юксак қадриятлардан бири – озодлик ва мустақилликка эътиқод. Миллий давлат мадҳияси давлат суверенитетига бўлган эътиқоднинг рамзидир.

Замонавий ҳуқуқий энциклопедик луғатларда давлат мадҳиясига Ватанни, давлатни, тарихий воқеаларни, қаҳрамонларни мадҳ этувчи давлат рамзларидан бири сифатида таъриф берилади. Мадҳия давлатнинг умум-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга ва у сиёсий ташвиқотнинг муҳим воситаси ҳисобланади \*\*. Бироқ давлат мадҳияси

---

\* Каримов И.А. Хавфсизлик ва бақарор тараққиёт йўлида.-Т.6.-Т.: Ўзбекистон, 1998.-Б.136.

\*\* Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат //Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Ф.Абдуллаева ва бошқ.; Р.Рўзиев ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда.-3-тўлд. нашри.-Т.: Шарқ, 2006.-Б.78.

фақат мадҳ этиш учун эмас, балки эътиқоднинг ифодаланишидир. “Давлат рамзларида халқнинг азалий орзуси, унинг эзгу ниятлари, бугунги ҳаёт мазмуни акс этади”\*. Давлат мадҳиясининг ҳуқуқий мақоми махсус қонун билан мустақамланиб, унинг мақсади давлат суверенитетига бўлган эътиқоднинг расмийлигини таъминлаш, давлат суверенитетининг четдан идрок қилиниши учун матн ва мусиқа ёрдамида ифодалашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси мустақилликка эътиқодни тарғиб қилади. Унинг матни фуқароларимизни мустақил давлат қуриш йўлида матонат ва жасоратга, сабр-тоқат ва фидокорликка, ташаббускорлик ва курашга чақиради, миллий ғурурни уйғотади. Мадҳиямиз байрамлар, сиёсий чиқишлар, спорт анжуманлари, расмий давлат қабуллари, аҳамиятли митинглар, турли давлат бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиш маросимлари ҳамда қонун билан белгиланган бошқа ҳолларда ижро этилиб, давлат суверенитетига эътиқод ва ҳурматни расмий мусиқа ва матн билан ифода этади.

### **Президентимиз Ислоҳ Каримов “Давлат рамзлари” ҳақида**

*Миллий валюта, байроқ, герб, мадҳия, Конституция каби давлат ва халқнинг рамзи, мустақилликнинг муқаддас белгисидир.*

\* \* \*

*Халқнинг ватанпарварлик ҳис-туйғулари, унинг озодликка ва бахт-саодатга интилиши ҳар ўзбекистонлик учун муқаддас мазмун касб этаётган мустақил Ўзбекистоннинг янги давлат рамзларида ўз ифодасини топмоқда.*

---

\* Саидов А.Х. Конституция - мустақиллик асоси //Туркистон.-1997.-19 нояб.

\* \* \*

*Давлатимиз рамзлари – байроқ, тамга, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, гурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Мана шу рамзларни эъзозлаш - ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш демакдир. Ўз мамлакати билан фахрланадиган инсон жуда кўп нарсаларга қодирдир. Бу эса оиланинг ҳам, ўз Ватанининг ҳам шон-шухратини оширади.*

### **Юртдошларимиз “Байроқ”, “Герб” ва “Мадҳия” ҳақида**

*... Мусаффо осмонимиз узра мағрур ҳилпираётган байроғимиз юракларда ҳаяжон ва гурур уйғотади. Зотан, у ҳар бир ватандошимиз учун Ватан ва Миллат бирлиги, ифтихори ва ҳурлиги рамзидир. Уни мудом эъзозлаш барчамизнинг қонуний, виждоний бурчимиздир.*

*Р.Жабборов*

*Ўзбекистонимиз жаннатмакон ўлкадир. Мана шу жиҳатлари байроғимизда тўла акс этган десак муболага бўлмайди. Йилнинг тўрт фасли – тўрт хил ранг. Қуёшли юрт, осмони мусаффо – юлдузли, ери сахий, одамлари доно, меҳнаткаш-мўмин, сабр-тоқатли, камтаринлигини байроғимиздан билса бўлади.*

*Н.Усмонбеков*

*Байроғимиз абад ул-абад ҳилпираб турсин. Чунки Давлат байроғи халқни бирлаштиради, ҳар бир фуқарода Ватанга меҳр-муҳаббатни кучайтиради.*

*Султонмурод Олим*

*Халқимиз қалбида герб тимсолида мустақил Ўзбекистоннинг бахтли фуқароси эканлигидан гурурланиши*

*ҳисси кундан-кунга ошиб бормоқда. Чунки, унда халқимизнинг орзу-умиди, идеаллари, мақсад-муддаоси, миллий ифтихори ўз ифодасини топган. Шу боисдан ҳам давлатимиз гербини миллий гуруримиз белгиси сифатида севиши, эъзозлаш, қадр-қимматини бутун дунёга намоён этиши ҳар биримизнинг Ватан, халқ, миллат, келажак авлод олдидаги бурчимиз ҳисобланади.*

*О.Мусурмонова*

*Туғу тамғамиздаги миллий давлатимиз рамзлари – Ватан тимсоллари. Ватаннинг қадрига етган ҳар бир киши бу тимсоллар моҳиятини теран англаши, кун келганида, уларни бурро-бурро тушунтира олиши керак.*

*Султонмурод Олим*

*Бугун миллатимиз бошига Тангри сояси насиб этди. Ўз давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳияси эса жонажон Ўзбекистонимиз жаҳон ҳамжамиятида ўз нуфузига эга.*

*А.Ҳошимов*

*Давлат мадҳияси...*

*Унинг илк садоси, биринчи сўзи янграй бошлаши билан кўз олдимизда жонажон Ўзбекистонимиз гавдаланади. Чунки, у байроғимиз ва гербимиз каби, Давлат рамзи. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси жаранглаганда ҳаммамиз уни тик туриб эшитамиз, жўр бўлиб куйлаймиз.*

*Султонмурод Олим*

*Мадҳия – давлат истиқболи, халқ иродасини ифода-лаб қолмай, миллий онг, ифтихор, миллий гурур, эътиқод-иймон белгиси ҳамдир.*

*\* \* \**

*Мадҳиямизнинг яратилиши асоси—Истиқлолдир. Мадҳиямиз Ўзбекистонни жаҳонга истиқлол гоҳиси йўлидаги юрт сифатида таништиради ҳамда миллий ифтихорни тараннум этади.*

*К.Норматов*

*Давлат мадҳияси давлат суверенитетига эътиқоднинг расмий белгисидир.*

*Ў.Очилов*

*Турли халқаро учрашувлар ҳамда анжуманларда мадҳиямиз тинчлик, дўстлик, тенгхуқуқлилик, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик симфонияси оҳангида баралла янграганлигидан хабардорсиз. Мамлакат ичкарисида эса мадҳиямиз миллий гуруҳ, ўзликни англаш, қадриятларни қадрлаш, ватанпарварлик, барқарорлик, биродарлик тимсоли бўлиб қолганлигини яхши биламиз. Жаҳон таниган ва тан берган келажак буюк давлатимизнинг рамзи — мадҳияси ана шундай куч-қудратга эга, унинг муқаддаслиги боиси шунда.*

*И.Норматов*

*Давлатнинг Конституцияси, қонунлар билан тасдиқланган мустақиллигини ифода этувчи: номи, чегараси, тили, байроғи, герби, пойтахти ва бошқа рамзлари билан бир қаторда мадҳияси ҳам Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун муқаддас қадриятдир.*

*А.Акмалов, Т. Мирусмонова*

*Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов билан Ўзбекистон халқ артисти Мутаваккил Бурҳонов ҳамкорлигида бунёд бўлган бу оҳанг — жонажон Мадҳиямиз янги-янги асрларда ҳам жаранг лайверади, Ўзбекистонимизнинг шухратини ёяверади!*

*М.Хўжаев*

18 ноябрь (1991) -Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи  
кабул қилинган кун

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ТЎҒРИСИДА

**1-модда.** Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг схематик ва рангли тасвири тасдиқлансин (илова).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Республика давлат суверенитетининг рамзидир.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро майдонда: Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳон кўргазмаларида, спорт мусобақаларида Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлади.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи – байроқнинг бутун узунлиги бўйлаб ўтган тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангда учта эндан таркиб топган тўғри тўртбурчак шаклидаги матодир.

Байроқнинг узунлиги 250 сантиметрга, кенлиги 125 сантиметрга тенг. Мовий ранг, оқ ранг ва яшил рангли энларнинг кенлиги бир хил. Ҳар бир эн 40 сантиметрга тенгдир. Байроқнинг ўртасидаги оқ рангли эннинг четларидан кенлиги 2,5 сантиметрга тенг қизил хошиялар ўтказилган.

Байроқнинг юқори қисмидаги мовий рангли эннинг юз томони ва орқа томонида дастага яқин жойида оқ рангли янги ой ва унинг ёнида ўн иккита оқ рангдаги беш қиррали юлдуз тавсирланган.

Янги ой ва юлдузларнинг тасвири мовий рангли юқори эннинг ўртасидан 70x30 сантиметрга тенг тўғри тўртбурчакка сиғадиган қилиб жойлаштирилган.

Янги ой вертикал ҳолатда дўнг томони дастага қаратилган, дастадан 20 сантиметр масофада жойлаштирилган бўлиб, диаметри 30 сантиметрли доирага сиғади.

Юлдузлар диаметри 6 сантиметрли доирага сиғади. Доиралар орасидаги масофа – 6 сантиметр. Юлдузлар узунасига ва тиккасига қуйидаги тартибда жойлашади: юқори қаторда – учта, ўрта қаторда – тўртта ва қуйи қаторда – бешта юлдуз. Қуйи қатордаги юлдузлар янги ойнинг пастки учидан 3,5 сантиметр масофада жойлашади.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи:

1) Доимий суратда: Ўзбекистон Республикаси Президентининг аппарати биносида;

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг биносида;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг биносида;

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ҳукумати биносида;

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари маҳаллий Советлари биносида;

Ўзбекистон Республикаси доимий ваколатхонлари биносида;

2) халқ депутатлари Советларининг сессиялари ўтказилаётган бинолар ва уйларда – бутун сессия давомида;

3) Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланган байрам кунларда Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, бошқа давлат ва жамоат идоралари биноларида, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда, шунингдек, турар жой биноларида;

4) Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари, Республика халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайлови кунларида ёки референдум кунларида – овоз бериш ўтказилаётган биноларда ва уйларда;

5) Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатия, савдо ваколатхоналари ва консуллик муассасалари биноларида ва ҳаракатланиш воситаларида – дипломатия протоколининг халқаро қонун-қоидаларига мувофиқ;

6) чет элдаги республикага қарашли бўлган, расмий шахслар сифатида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазири, Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа ишлари вазири – Миллий гвардия қўмондони, Ўзбекистон Республикаси дипломатия ва консуллик ваколатхоналарининг бошлиқлари тушган денгиз кемаларида ва дарё кемаларида ва бошқа ҳаракатланиш воситаларида;

7) Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фармойишига мувофиқ;

8) республиканинг давлат ва жамоат идоралари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўтказадиган маросимларда, тантанали тадбирларда;

9) спорт майдонларида - Ўзбекистон Республикаси чемпионатлари ва биринчиликларини, миллий терма командалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш чоғида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг спорт терма командаларидан вакил бўлган халқаро мусобақа ғолибларини мукофотлаш муносабати билан маросимлар ўтказиш вақтида кўтарилади.

**6-модда.** Ушбу Қонуннинг 5-моддаси 3-бандида кўзда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи соат 6 да кўтарилади ва соат 22 да тушириб қўйилади, 5-модданинг 4-бандида кўзда тутилган ҳолларда эса овоз беришни ёки референдумни ўтказиш даврида кўтариб қўйилади.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда бошқа давлатнинг байроғи

кўтарилса, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи (бинонинг олд томонига қараб турганда) ўнг томондан, бошқа давлатнинг байроғи чап томондан кўтарилмоғи керак.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда бир қанча давлатларнинг байроқлари кўтарилганда Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи алоҳида, қолганлари эса ўзбек алфавити бўйича кўтарилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи бошқа давлатларнинг байроқлари билан бир хил баландликда жойлаштирилиши керак.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи биноларнинг асосий кириш жойида ёки бунинг учун мақбул бўлган бошқа жойда, ёхуд тегишли тутқичи бўлган дастада, ё бўлмаса флагштокда байроқнинг дастаси бинонинг олди томони билан кўпи билан 45 градусли бурчак ҳосил қиладиган тарзда кўтарилади.

Кўтариб кўйилган Давлат байроғининг матоси камида 2,5 метрли баландликда бўлиши керак.

**9-модда.** Мотам муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи мотамга мослаб кўтарилади. Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи дастаси ёки флагштокнинг юқори учига байроқ энининг 1/20 қисмига тенг бўлган кенгликдаги қора тасма боғланади, тасманинг икки учи байроқнинг бутун эни узунлигида осилиб туради.

Байроқ мотам муносабати билан флагштокда кўтарилган тақдирда у флагшток узунлигининг 1/3 бўлагича тушириб кўйилади.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ва унинг тасвири, катта-кичиклигидан қатъий назар ҳамма вақт ушбу Қонунга илова қилинаётган рангли ва схематик тасвирига аниқ мос бўлиши керак.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар биноларида кўтариш чоғида ушбу Қонунда баён этилган талабларга риоя қилиниши учун масъулият уларнинг раҳбарлари зиммасига, байроқ тураржой биноларида кўтарилган вақтда эса уларнинг эгалари ёки уйлардан фойдаланишни ташкил этиш топширилган мансабдор шахслар зиммасига юклатилади.

**12-модда.** Ушбу Қонуннинг аниқ бажарилишини кузатиб бориш халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия кўмиталарига ва Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатия ваколатхоналарига юклатилади.

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини ҳурмат қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини беҳурмат қилганлик Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жазоланади.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

*И.Каримов*

Тошкент шаҳри,  
1991 йил 18 ноябрь.

## **Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасвири**

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи - Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган VII сессиясида 1991 йил 18 ноябрь куни тасдиқланган. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи – мамлакат давлат суверенитетининг рамзларидан биридир. У бугунги Ўзбекистон сарҳадида қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқлигини англатади ҳамда мамлакатнинг миллий-маданий анъаналарини ўзида мужассамлаштиради.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи, ўз кўринишига кўра, бутун узунлиги бўйлаб ўтган тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангда учта эндан таркиб топган тўғри тўртбурчак шаклидаги матодир.

Байроқнинг узунлиги 250 сантиметрга, кенлиги 125 сантиметрга тенг. Мовий ранг, оқ ранг ва яшил рангли энларнинг кенлиги бир хил. Ҳар бир эн 40 сантиметрга тенгдир. Байроқнинг ўртасида оқ рангли эннинг четларидан кенлиги 2,5 сантиметрга тенг қизил ҳошиялар ўтказилган. Байроқнинг юқори қисмидаги мовий рангли эннинг юза томони ва орқа томонида дастага яқин жойида оқ рангли янги ой ва унинг ёнида ўн иккита оқ рангдаги беш қиррали юлдуз тавсирланган.

1. Байроқдаги мовий ранг тириклик мазмуни акс этган мангу осмон ва обихаёт рамзи. Тимсоллар тилида бу – яхшилиқни, донишмандликни, ҳалолликни, шон-шуҳратни ва садоқатни билдиради. Бинобарин, Амир Темур давлати байроғининг ҳам ранги мовий рангда эди.

2. Байроқдаги оқ ранг – муқаддас тинчлик рамзи бўлиб, у кун чароғонлиги ва коинот ёритқичлари билан уйғунлашиб кетади. Оқ ранг – поклик, беғуборлик, софлик-

ни, орзу ва хаёллар тозаллиги, ички гўзалликка интилишнинг тимсоли.

3. Яшил ранг – табиатнинг янгилиниш рамзи. У кўпгина халқларда навқиронлик, умид ва шодумонлик тимсоли ҳисобланади.

4. Қизил чизиқлар – вужудимизда жўшиб оқаётган ҳаётнинг кудрат ирмоқларини англатади.

5. Навқирон ярим ой тасвири бизнинг тарихий анъаналаримиз билан боғлиқ. Айни пайтда у қўлга киритилган мустақиллигимиз рамзи ҳам.

6. Юлдузлар барча учун руҳоний, илоҳий тимсол саналган. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғидаги 12 юлдуз тасвири ҳам тарихий анъаналаримиз, қадимги йилномамизга бевосита алоқадор. Бизнинг ўн икки юлдузга бўлган эътиборимиз Ўзбекистон сарҳадидаги қадимги давлатлар илмий тафаккурида нўжум илми тараққий этганлиги билан ҳам изоҳланади.

Давлат байроғимиздаги 12 юлдуз тасвирини ўзбек халқи маданиятининг қадимийлиги, унинг қомилликка, ўз тупроғида саодатга интилиши рамзи сифатида тушуниш лозим.

## **“Хилпирайди элим виқори” мавзусида савол-жавоб кечаси учун тахминий саволлар**

*Буюк тимсол бугунги кунда мамлакатимиз Президенти саройида, Олий Мажлис, Ўзбекистон ҳукумати, маҳаллий давлат идораларида, Ўзбекистоннинг турли ваколатхоналари иш олиб бораётган хорижий мамлакатларда, БМТ ва бошқа қатор халқаро ташилотлар қароргоҳида мағрур ҳилпираб турибди.*

*Бу тимсол ҳар бир ўзбек учун, ўзбекистонлик учун она Ватан каби азиз ва муқаддас.*

*Ғулом Мирзо*

1. Давлат байроғи давлатнинг рамзий белгиларидан бири сифатида шаклланиши узоқ тарихга эга, бунга сабаб нима?
2. БМТда Ўзбекистон байроғи тикилганини қандай изоҳлайсиз?
3. Байроғимиз – озов юртимиз рамзи, бунга сабаб нима деб ўйлайсиз?
4. Байроғимиздаги ўн икки юлдузни шарҳлаб беринг?
5. Шоирларимиз шеърларида Ўзбекистон байроғининг қаламга олиншига сабаб нимада?
6. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги Қонун қачон қабул қилинган ва моддаларидан айримларини шарҳлаб беринг?
7. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи кўринишини изоҳлаб беринг?

2 июль (1992) – Ўзбекистон Республикаси Давлат герби  
кабул қилинган кун

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ ГЕРБИ ТЎҒРИСИДА

**1-модда.** Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли ва оқ-қора тасвири тасдиқлансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби республика давлат мустақиллигининг рамзидир.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби куйидаги кўринишга эга: тоғлар, дарёлар ва сўл томони бугдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари очилган гўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра куёш заррин нурларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида республика хурлигининг рамзи сифатида саккизбурчак тасвирланган бўлиб, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвирланган. Гербнинг марказида бахт ва эрксеварлик рамзи – қанотларини ёзган Хумо қуши тасвирланган. Гербнинг паст қисмида республика Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантида “Ўзбекистон” деб ёзиб кўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли кўринишида: Хумо қуши ва дарёлар – кумуш рангида; куёш, бошоқлар, пахта чаноқлари ва “Ўзбекистон” ёзуви – олтин рангида; чаноқлардаги пахта – оқ рангда; лента Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг ранглари акс эттирувчи уч хил рангда, саккизбурчак – олтин зарҳал билан хошияланган ҳолда ҳаво рангда; ярим ой ва юлдузлар – олтин рангида тасвирланган.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири:

- 1) қуйидаги биноларда:
- а) Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг биносиди;
  - б) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши биносиди;
  - в) Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг биносиди;
  - г) Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг биносиди;
  - д) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари, Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига қарашли бошқа идораларнинг биноларида;
  - е) Ўзбекистон Республикаси судлари ва ҳакамлик судлари биноларида;
  - ж) Ўзбекистон Республикаси прокуратура идораларининг биноларида;
  - з) Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг биноларида;
- 2) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сессиялари, Президентлик Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси мажлислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессиялари ўтказилаётган биноларда, судлар ва ҳакамлар судлари суд мажлислари ўтказаетган хоналарда, шунингдек, туғилиш ва никоҳ тантанали суратда рўйхатга олинган хоналарда;
- 3) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг девони, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, унинг Раёсати, кўмиталари, комиссиялари ва Республика Олий Кенгашининг Котибияти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва давлат кўмиталарининг; Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига қарашли

бошқа идораларнинг, Ўзбекистон Республикаси судлари ва ҳакамлик судларининг, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси прокуратура идоралари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг, давлат нотариал контораларининг, Ўзбекистон Республикаси банк муассасалари ва ташкилотларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан муҳрлар ва бланкаларда гербнинг тасвирини тушириш ҳуқуқи берилган республика ва маҳаллий бўйсунувдаги корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларнинг муҳрлари ва бланкаларида;

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг расмий нашрларида;

5) Ўзбекистон Республикасининг пул-буюм лотореялари билетларида;

6) Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқароларига бериладиган дипломатия ва ўзга чет эл паспортларида;

7) Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларида ўрнатиладиган сарҳад столбаларида ўрнатиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг бўртма тасвиридан Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари мажлис залларида, судлар ва ҳакамлик судлари суд ўтказиладиган мажлис залларида, фуқаролик ҳолатини қайд этиш идоралари – туғилиш ва никоҳ тантанали суратда рўйхатга олинадиган хоналарда фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвирини акс

эттириш мажбурий бўлган бошқа ҳоллар ҳам назарда тутилиши мумкин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг такрорланаётган тасвири, унинг катта-кичиклигидан қатъий назар, ушбу Қонунга илова қилинаётган рангли ва оқ-қора тасвирга аниқ мос бўлиши керак.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисидаги ушбу Қонунда баён этилган талабларга риоя қилиниши учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвиридан фойдаланиш ҳуқуқи берилган давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг раҳбарлари зиммасига юклатилади.

**7-модда.** Ушбу Қонуннинг аниқ бажарилишини кузатиш халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари зиммасига юклатилади.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган ўзга шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини беҳурмат қилганлик Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жазоланади.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

*И.Каримов*

Тошкент шаҳри,  
1992 йил 2 июль.

## Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби – мамлакатимиз давлат мустақиллигининг рамзларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 1992 йил 2 июль куни тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби думалок кўринишга эга бўлиб, бу шаклнинг сўл томони бугдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноклари очилган ғўза шохларидан иборат чамбарга ўралган, узоқдаги тоғлар ва дарёлар манзарасида гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида эса Ўзбекистон озодлигининг рамзи сифатида саккизбурчак юлдуз, унинг ички қисмида эса яримой ва юлдуз, марказида бахт ва эрк-севарлик рамзи – қанотларини ёзган Хумо қуши тасвирланган. Ушбу рамз ва тимсоллар халқимизнинг тинчлик, яхшилик, бахт-саодат, фаровонлик йўлидаги орзу-умидларини ифодалайди. Гербнинг пастки қисмида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини ифода этувчи уч рангдаги чамбар тасмасига “Ўзбекистон” деб ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли кўринишида: Хумо қуши ва дарёлар – кумуш рангида; қуёш, бошоқлар, пахта чаноклари ва “Ўзбекистон” ёзуви – олтин рангида; ғўза шохлари ва барглари, тоғлар ва водийлар – яшил рангда; чаноклардаги пахта – оқ рангда; тасма Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг ранглари акс эттирувчи уч хил рангда, саккизбурчак – олтин зарҳал билан ҳошияланган ҳолда ҳаво рангида; яримой ва юлдузлар – олтин рангида тасвирланган.

**“Буюк шон-шарафимиз тимсоли» мавзусида  
билимдонлар беллашуви учун тахминий саволлар**

*Ўзбекистон бир узук бўлса герб –  
гўё шу узукнинг кўзи.*

*Султонмурод Олим*

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисидаги Қонун қачон қабул қилинган ва неча моддадан иборат?
2. Тамғамиздаги ҳар бир белгидаги рамзий маъноларни биласизми?
3. Гербнинг марказидаги қанотларини ёзган Ҳумо куши қандай рамзни билдиради?
4. Гербимиз тепасидаги саккиз қиррали юлдузнинг берилишини қандай изоҳлайсиз?
5. Гербдаги қуёш тасвирини шарҳлаб беринг?
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирини қайси биноларда ўрнатилиши Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисидаги Қонуннинг қайси моддасида кўрсатилган?
7. Гербдаги Ҳумо тасвири кимнинг қаламига мансуб?
8. Герб ғуруримиз ва ифтихоримиз тимсоли, буни сиз қандай таърифлайсиз?
9. Тарихчиларимизнинг қайси асарларида “тамға” сўзи келтирилган?
10. Президент Ислам Каримовнинг қайси асарларида тамға тилга олинган?
11. Қайси шоирларнинг шеърларида “туғро”, “тамға” сўзлари қаламга олинган ва ундан парча келтиринг?

10 декабрь (1992) – Ўзбекистон Республикаси Давлат  
мадҳияси қабул қилинган кун

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ ТЎҒРИСИДА

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясининг матни ва мусиқавий таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Давлат суверенитетининг рамзидир.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясига зўр эҳтиром билан қараш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчидир.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси:

1) Ўзбекистон Республикасида нишонланадиган умумхалқ байрамларига бағишланган тантанали йиғилишлар ва мажлисларнинг очилиши ҳамда ёпилиши вақтида;

2) Янги йил кечаси Тошкент вақти билан соат 24 да республика телевидениеси ва республика радиоси орқали; Ўзбекистон Республикасида нишонланадиган умумхалқ байрамлари кунларида республика телевидениеси орқали – дастурларнинг бошланишида; ҳар куни Ўзбекистон радиоси республика ички радиоэшиттиришлар орқали дастурларнинг бошланиши ва тугалланиши олдидан;

3) республика ҳаётидаги муҳим тарихий воқеаларни нишонлаш юзасидан, атоқли сиёсий, давлат ва ҳарбий арбоблар, халқ қаҳрамонлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари шарафига ўрнатиладиган ҳайкаллар, шунингдек,

монументлар, ёдгорликлар ва бошқа иншоотларнинг очилиши вақтида;

4) давлат идоралари, корхоналар, муассасалар ва жамоат бирлашмалари томонидан ўтказиладиган маросимлар, бошқа корхоналар, муассасалар ва жамоат бирлашмалари раҳбарларининг қарорига биноан бошқа ҳолларда ҳам ижро этилиши мумкин.

Б) расмий сафар билан Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган хорижий мамлакатларнинг давлат бошлиқлари ва ҳукумат бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиш вақтида тегишли хорижий давлатнинг Давлат мадҳияси ижро қилиб бўлинганидан кейин Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ижро этилади.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ушбу қонун талабларига риоя этган ҳолда давлат идораларининг, корхоналар, муассасалар ва жамоат бирлашмалари раҳбарларининг қарорига биноан ҳолларда ҳам ижро этилиши мумкин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси оркестр, хор, ҳам оркестр, ҳам хор томонидан ёки ўзга вокал ва чолғу асбоблар билан ижро этилиши мумкин. Бунда овоз ёзиб олиш воситаларидан фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси вокал ҳамда вокал-чолғу асбоблари билан ижро этилган тақдирда, тўлиқ ижро этилади, чолғу асбобларнинг ўзида ижро этилган тақдирда эса мадҳия қисман ижро этилишига йўл қўйилади – ашуланинг бошланиши ва нақорат бир мартадан айтилади.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси мадҳиянинг ушбу Қонун билан тасдиқланган матни ва мусиқавий таҳририга айнан мувофиқ ҳолда ижро этилмоғи лозим.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси кўпчилик ҳузурида ижро этилган тақдирда ҳозир

бўлган кишилар мадҳияни тик туриб, эркаклар бош кийимини олган ҳолда ёки қўлини чеккасига қўйиб тинглайдилар.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини:

ҳарбий қисмларда, ҳарбий кемаларда ижро этиш, шунингдек, мадҳия ижро этилаётган пайтда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий салом бериши – ҳарбий уставлар билан;

ички ишлар идораларида ижро этиш, шунингдек, мадҳия ижро этилаётган пайтда ички ишлар идораларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибидан бўлган шахсларнинг салом бериши – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги белгилаб қўядиган қоидалар билан;

ўқув юртларида ижро этиш – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор ташкилотлар билан келишиб туриб белгилаб қўядиган қоидалар билан тартибга солинади.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида республика ва халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси манфаатдор ташкилотлар билан келишиб туриб белгилаб қўядиган қоидаларга мувофиқ ижро этилади.

Халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ижро этиш маросими халқаро спорт ташкилотларининг мавжуд амалиётини инобатга олган ҳолда белгиланади.

**10-модда.** Хорижий давлатлар ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг муассасалари ва ташкилотлари ўтказадиган тадбирлар вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ўша мамлакат таърибаси ва маҳаллий урф-одатларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги белгилаб қўядиган қоидаларга мувофиқ ижро этилади.

**11-модда.** Ички ишлар идораларида, ўқув юртларида, спорт мусобақалари вақтида, шунингдек, хорижий давлатлар худудида Ўзбекистон Республикасининг муассасалари ва ташкилотлари тегишли тадбирлар ўтказган вақтда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ижро этиш қоидалари ушбу Қонун талабларига асосланиб белгиланади.

**12-модда.** Ушбу Қонуннинг аниқ бажарилишини кузатиб бориш давлат идораларининг, корхоналар, муассасалар ва жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари зиммасига, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини кўтариш вақтида ижро этиладиган ҳолларда эса Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги Қонуннинг аниқ бажарилишини кузатиб бориши шарт бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслар зиммасига ҳам юкланади.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

***И.Каримов***

Тошкент шаҳри,  
1992 йил 9 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

Абдулла Орипов сўзи

Мутал Бурхонов мусиқаси

Серқуёш, хур ўлкам, элга бахт, нажот,  
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!  
Яшнагай то абад илму фан, ижод.  
Шухратинг порласин токи бир жаҳон!

Нақорот:

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!  
Улуғ халқ қудрати жўш урган, замон  
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,  
Эркин ёш авлодлар сенга зўр қанот!  
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,  
Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

Нақорот:

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!  
Улуғ халқ қудрати жўш урган, замон  
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

“Мадҳиямиз жарангласин” мавзусида давра суҳбати учун  
тахминий саволлар

*Ўзбекистон, қай ўлкада куз баҳордир?  
Қай маконда сенинг каби жаннат бордир?  
Айтгин ўзинг, кимга бунча Худо ёрдир?  
Мадҳинг айтай, туғу туғронг омон бўлсин!  
Султон Мурад*

1. Мадҳия халқ руҳини кўтарувчи ва улуғловчи, келажакни куйловчи бўлиши керак дейилади, бу борада сизнинг фикрингиз?
2. Мадҳияда – Ўзбекистон деган юртга таъриф берилган, буни сиз қандай изоҳлайсиз?
3. Мадҳияда – халққа таъриф берилган, сиз буни қандай таърифлайсиз?
4. Мадҳияда – истиқлолга таъриф берилган, бу ҳақида сизнинг фикрингиз?
5. Мадҳияда – абадийлик руҳи сингдирилган, буни сиз қандай мушоҳада қиласиз?
6. Мадҳиямиз турли муносабатлар билан чет элларда янграганда, уни бошқа давлатлар мадҳиялари билан қиёслашда ўзингизнинг фикрингиз?
7. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисидаги Қонун қачон қабул қилинган ва 3 моддасини шарҳлаб беринг?
8. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисидаги Қонун неча моддадан иборат ва 9 моддасини шарҳлаб беринг?

**“Байроғимиз, гербимиз ва мадҳиямиз – давлатимиз  
рамзлари” мавзусида билимдонлар беллашувини  
ташkil қилишга тавсиялар**

*Миллий тимсоллар ва рамзлар-  
нинг ҳар бири миллий гуруримизни  
юксалтиришига хизмат қилади. Улар-  
нинг ҳар бири катта бир дарслик, кучли  
тарбия воситасидир.*

*И.Каримов*

Беллашувни ўтказишдан мақсад китобхонларни давлатимиз рамзлари ҳақидаги қонунлар, рамзлар ҳақида ёзилган рисоалар, илмий мақолалар, шу уч миллий тимсолда халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагига доир нашрлар ҳамда рамзларимиз ҳақида ёзилган шеърларга китобхонларнинг қизиқишини оширишдан иборат.

Беллашувни ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Ҳар бир гуруҳ 8 ёки 10 нафар китобхондан ташkil топади. Уларга мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари, турли касб эгалари киритилиши мумкин. Беллашув ташkilотчилари билимдонларга бериладиган саволларни тузиб чиқадилар. Сўнгра шу саволлар ҳар икки гуруҳга мўлжаллаб қўйилади. Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида бериладиган саволларга доир адабиётлар ва вақтли матбуотларда босилган манбалар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар ўша манбаларни пухта ўқиб чиқишлари зарур.

Билимдонларнинг эътиборини Давлатимиз рамзлари тўғрисидаги қонунлар, илмий мақолалар, давлат байроғи, герби ва мадҳияси ҳақида ёзилган бадиий асарларга қаратиш керак.

Беллашув ўтказиладиган ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида давлатимиз рамзларини акс эттирувчи китоб кўргазмасини ташкил этишни тавсия қиламиз.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз. Шунга қараб билимдонлар қайси асарларни ўқиш ва манбалардан фойдаланишлари кераклигини билиб оладилар.

1. Давлат рамзлари нима, у нимани англатади?

(Давлат рамзлари – давлат мустақиллигининг шартли равишда белгиловчи ташқи белги, нишона ёки тимсоллардир. Булар муайян давлатнинг байроғи, герби, миллий валютаси ва мадҳиясидир. Улар мазкур давлатнинг тузумини, халқнинг табиати – менталитетини, иқтисодий асосларини ва бошқа муҳим белгиларини англатади).

2. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги Қонун қачон қабул қилинган ва неча моддадан иборат?

(Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи - Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган VII сессиясида 1991 йил 18 ноябрь куни тасдиқланган ва 13 моддадан иборат).

3. Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисидаги Қонун қачон қабул қилинган ва неча моддадан иборат?

(Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби – мамлакатимиз давлат мустақиллигининг рамзларидан биридир. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII чақириқ X сессиясида 1992 йил 2 ноябрда қабул қилинган ва 8 моддадан иборат).

4. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисидаги Қонун қачон қабул қилинган ва неча моддадан иборат?

(Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисидаги Қонун 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган ва у 12 моддадан иборат).

5. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қайси вақтларда кўтарилди?

(Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги Қонуннинг 5 моддаси 9 бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи мамлакатимиз Президенти, Олий Мажлис, Ўзбекистон ҳукумати, маҳаллий давлат идоралари, Ўзбекистоннинг турли ваколатхоналари иш олиб бораётган биноларда, Ўзбекистоннинг расмий делегациялари қатнашаётган халқаро тадбирларда кўтарилди. Бу қоидалар алоҳида қонун асосида белгиланган).

6. Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисидаги Қонуннинг 8-моддасида нима дейилган?

(Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисидаги Қонуннинг 8-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган ўзга шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини беҳурмат қилганлик Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жазоланади).

7. Давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш – қайси қонун асосида жазоланади?

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1994 йилнинг 22 сентябрида тасдиқланган ва 1995 йилнинг апрелидан кучга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига алоҳида “Давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш” деб номланган 215-модда киритилган. Ушбу моддага кўра – Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳиясига ҳурматсизлик қилиш – энг кам ойлик иш

ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уй ойгача қамок билан жазоланади).

8. Қайси йилдан бошлаб БМТга аъзо мамлакатлар қаторида Ўзбекистон байроғи ҳилпираб турибди?

(1992 йилнинг 2 мартидан БМТга аъзо мамлакатлар сафида Ўзбекистон байроғининг ҳилпираши миллий ғурури-мизга ғурур қўшиб турибди).

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғидаги 12 юлдузни изоҳлаб беринг?

(Юлдузлар барча учун руҳоний, илоҳий тимсол саналган. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғидаги 12 юлдуз тасвири ҳам тарихий анъаналаримиз, қадимги йилномамизга бевосита алоқадор. Бизнинг ўн икки юлдузга бўлган эътиборимиз Ўзбекистон сарҳадидаги қадимги давлатлар илмий тафаккурида нўжум илми тараққий этганлиги билан ҳам изоҳланади.

Давлат байроғидаги 12 юлдуз тасвирини ўзбек халқи маданиятининг қадимийлиги, унинг комилликка, ўз тупроғида саодатга интилиш рамзи сифатида тушуниш лозим).

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли кўринишини айтиб беринг?

(Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли кўринишида: Ҳумо қуши ва дарёлар – кумуш рангида; қуёш, бошоқлар, пахта чаноклари ва “Ўзбекистон” ёзуви – олтин рангида; чаноклардаги пахта – оқ рангда, лента Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг рангларини акс эттирувчи уч хил рангда; саккизбурчак – олтин зарҳал билан хошияланган ҳолда ҳаво рангда; ярим ой ва юлдузлар – олтин рангида тасвирланган).

11. Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси матни кимнинг қаламига мансуб?

(Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳиясининг матни Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов қаламига мансуб, мусиқаси Мутал Бурҳоновники).

12. Мадҳиямизда халқнинг хусусиятлари билан Ватаннинг фазилатлари уйғунлашиб кетган, шоир Абдулла Ориповнинг қайси шеърида бундай уйғунликни кўриш мумкин?

(Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” шеърида, мадҳия матнида шоир ана шундай ўз ижодий йўналишларига содиқ қолган. Жумладан:

*Хўш, нечун севаман Ўзбекистонни,  
Сабабини айтгин, десалар менга,  
Шоирона, гўзал сўзлардан олдин  
Мен таъзим қиламан она халқимга.  
Халқим, тарих ҳукми сени агарда  
Мангу музликларга элтган бўлсайди,  
Қорликларни макон этган бўлсайдинг  
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?)*

13. Ушбу келтирилган парча қайси шоирнинг шеъридан олинган?

*Виқор билан талпиниб кўкка,  
Ҳилтирайди Давлат байроғи.  
Мадҳиямиз ошно юракка,  
Тугромиз, дер кўзлар қароғи.*

(Нормурод Нарзуллаевнинг “Оқсаройнинг чироғи” шеъридан олинган).

14. Қуйида келтирилган шеърий парча қайси шоирнинг қаламига мансуб?

*Ҳурриятнинг офботи порлоқ,  
Ўзбек элим бошида байроқ,  
Давлатбошим ҳамиша уйғоқ,  
Мустақиллик абадий, мангу.*

(Нормурод Нарзуллаевнинг “Мустақиллик қасидаси” шеърдан олинган).

Беллашув якунини ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда жавобларнинг тўғрилиги, батафсиллиги ҳам эътиборга олинади. Ҳакамлар хайъатига адабиётшунослар, тарихчилар, сиёсатшунослар, файласуфлар, ҳуқуқшунослар, адабиёт ва тарих ўқитувчилари, журналистлар, ёзувчи ва шоирлар таклиф этилади. Голибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совғалар тариқасида китоблар, давлат рамзлари акс этирилган плакатлар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

### **“Жаҳон ичра ҳилпира Ўзбекистон байроғи” номли китоб-суратли кўргазмани ташкил этиш учун материаллар**

Таклиф этилаётган китоб кўргазмаси ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиладиган тадбирларни тўлдиради.

Кўргазма қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

#### **1. Байроғимиз – яловимиз**

*Озод мамлакатимнинг муҳташам қўргонида,  
Исёнкор боболарим пок руҳида - жонида.  
Турон, қадим Туркистон, улуғ турк осмонида,  
Камалакдек товланар истиқлолим маёғи.-  
Ўзбекистон байроғи,  
Ўзбекистон байроғи!*

*А.Қўчимов*

Бу бўлимда “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси”, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонун ва қонун ҳужжатларига доир нашрларни намоёйиш этиш мумкин.

## **2. Тимсоллар – муқаддас**

*Тинчлик, тириклик эрур мовий, яшил, оқ ранглар,  
Чақноқ ўн икки юлдуз шамолларда жаранглар,  
Эрк қўшиғи навқирон ярим ойда жилвагар.  
Камалакдек товланар истиқлолим маёғи,  
Ўзбекистон байроғи,  
Ўзбекистон байроғи!*

*А.Кўчимов*

Бу бўлимда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасвири акс эттирилган нашрлар ва илмий мақола-лар, байроқ тасвирини ўрганишга оид бўлган оммабоп адабиётларни намойиш этиш мумкин.

## **3. Ҳилпирайди Миллий байроқ**

*Рангингда эл бахтин этиб жам,  
Ўй-фикрини қилиб мужассам,  
Товланасан товусдек кўркам,  
Ўзбекистон Миллий байроғи.*

*Искандар Раҳмон*

Бу бўлимда Миллий байроғимиз тўғрисида ёзилган публицистик мақолалар, шеърлар, очеркларни намойиш этиш мумкин.

## **“Гербимиз – фаҳримиз” номли китоб-суратли кўргазмани ташкил этиш учун материаллар**

Таклиф этилаётган китоб кўргазмаси ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиладиган тадбирларни тўлдиради.

Кўргазма куйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

### **1. Озод ватан туғриси**

*Давлат герби – мамлакат  
фуқаролари учун муқаддас ҳисобланган  
рамзidir. У юрагида Ватан туйғуси бор  
ҳар қандай кишида миллий ҳис, ўзига  
хос гурур, энг муҳими, юртга меҳр  
уйғотади.*

*А.Акмалов*

Бу бўлимда “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси”, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби туғрисида”ги Қонуни ва қонун ҳужжатларига доир нашрларни намойиш этиш мумкин.

### **2. Давлатимиз тамғаси**

*Ўз тамганг бор, ўз мадҳиянг, ўз байрогинг,  
Кездим, йўқдир она-юртим ҳеч адогинг,  
Темур бобом паноҳ бўлган мулкинг қўлда,  
Кенгликларни кўзлар бутун кўзқирогинг.*

*Б.Ярашев*

Бу бўлимда Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири акс эттирилган нашрлар ва илмий мақолалар, герб тасвирини ўрганишга оид бўлган манбаларни намойиш этиш мумкин.

### 3. Давлат хумоси

*Ўзбекистон бир узук бўлса  
Давлат герби – гўё шу узукнинг кўзи.  
Султонмурод Олим  
Ш.Жумаев*

Бу бўлимда герб тўғрисида ёзилган публицистик мақолалар, шеърлар, очеркларни намойиш этиш мумкин.

#### **“Абадий кўшиқ” номли китоб-суратли китоб кўрғазмасини ташкил этиш учун материаллар**

Таклиф этилаётган китоб кўрғазмаси ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиладиган тадбирларни тўлдиради.

Кўрғазма куйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

#### **1. Истиқлол шархидай муқаддас қасида**

*Ўзбекистон, юрган йўлинг равон бўлсин,  
Ошган тоғинг мудом равон довон  
Душманларинг рангу рўйсомон,  
Мадҳинг айтай, туғу туғронг омон бўлсин!  
Султон Мурод*

Бу бўлимда “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси”, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги Қонуни ва қонун ҳужжатларига доир нашрлар, шунингдек Мадҳия матни намойиш этилиши мумкин.

#### **2. Ўзбекнинг мангу кўшиғи**

*Ўзбекистон, қай ўлкада куз баҳордир?  
Қай маконда сенинг каби жаннат бордир?  
Айтгин ўзинг, кимга бунча Худо ёрдир?  
Мадҳинг айтай, туғу туғронг омон бўлсин!  
Султон Мурод*

Бу бўлимда Давлат мадҳиясининг яратилиши ва унинг таҳлилига оид бўлган манбаларни намойиш этиш мумкин.

### **3. Ифтихор мадҳияси**

*Шоир учун Ватаннинг шаъни ва  
мадҳини куйлашдан ортиқ бахт борми?*

*А.Орипов*

Бу бўлимда Давлат мадҳияси ҳақида ёзилган илмий ва оммабоп нашрлар ҳамда мақолалар, шеърлар, билдирилган дил изҳорларига эга бўлган нашрларни намойиш этиш мумкин.

### **Ахборот-кутубхона ва ахборот ресурс марказларида ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми**

Мавзулар тахминий бўлиб, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари тадбирларнинг ўзи учун маъқул шаклини танлаб олиши, уларни маҳаллий материаллар билан тўлдириши мумкин.

#### **Конференция**

1. “Давлатимиз рамзлари – муқаддас тимсоллар”.
2. “Мустақил юртимизнинг давлат рамзлари”.
3. “Давлат рамзларига ҳурмат – муқаддас бурч”.
4. “Рамзларда ғурур, фахр-ғуйғулар” каби мавзуларда;  
“Рамзинг-қанотинг”, “Ватан тимсоллари”, “Муқаддас рамзлар” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

#### **Мавзули кеча**

1. “Тимсоллар – муқаддас”.
2. “Гербимиз – фахримиз”.
3. “Байроғимиз – яловимиз”.
4. “Давлатимиз рамзлари, муқаддас” каби мавзуларида;

“Миллий ғурур тимсоли”, “Ғуруримиз ва ифтихоримиз тимсоли”, “Давлат ҳумоси” каби мавзуларда китоб кўрғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

#### **Савол-жавоб кечаси**

1. “Давлатимиз рамзларини биласизми?”
2. “Борлиқ ва бирлик рамзини биласизми?”
3. “Давлат мадҳияси”ни биласизми?” каби мавзуларда;  
“Ифтихор мадҳияси”, “Абадий қўшиқ”, “Гербимиз – ифтихоримиз” каби мавзуларда китоб кўрғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

#### **Билимдонлар беллашуви**

1. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини биласизми?”
2. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини биласизми?”
3. “Давлатимиз рамзларини биласизми?” каби мавзуларда;  
“Барчамиз учун муқаддас туғро”, “Ор-номусимиз ва кадр қимматимиз рамзи”, “Юртимга кераксан байроғим” каби мавзуларда китоб кўрғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

#### **Мунозара кечаси**

1. “Давлат ва миллат рамзлари нималардан иборат?”.
2. “Байроқ, герб, мадҳия – миллий тимсолда халқнинг ўтмиши ва бугуни, келажаги қандай мужассамланган?”.
3. “Рамзларимизнинг маънавий-маърифий куч-қудрати қандай?”  
“Муқаддас байроғим», “Мадҳияни қуйлашдан ортиқ бахт борми?”, “Хумо қуши” каби мавзуларда китоб кўрғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

### **Давра суҳбати**

1. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасвири”.
2. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири”.
3. “Мадҳиямиз – ғуруримиз”.
4. “Давлат байроғи – бизнинг ўтмишимиз, бугунги кунимиз ва келажакимиз рамзидир” каби мавзуларда;  
“Давлат мадҳияси – миллат навоси”, “Мамлакат байроғи – элим номуси”, “Туғроғимиз – кўзлар қароғи” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

### **Учрашув кечаси**

- а) Давлатимиз рамзлари ҳақида китоб ёзган олимлар билан:
1. Султонмурод Олим.
  2. Шамсиддин Жумаев.
- б) Мадҳиямиз муаллифи:
1. Абдулла Орипов.
- в) Давлат рамзлари ҳақида илмий мақолалар ёзган муаллифлар билан:
1. Ақром Акмалов.
  2. Маҳмуд Алимов.
  3. А.Сафаров.
  4. Ойниса Мусурмоновалар билан.  
“Мангу порласин Ўзбекистон байроғи”, “Озод Ватан тупроғи”, “Давлатим герби” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Қатнашувчилар: жойлардаги “Маънавият ва маърифат” жамоатчилиқ марказлари, “Маҳалла”, “Соғлом авлод учун”, “Нуроний”, “Истеъдод” жамғармалари вакиллари, хотин-қизлар кўмиталарининг вакиллари, журналистлар, адабиётшунослар, тарихчилар, файласуфлар, педагоглар, ёзувчи ва шоирлар, ҳуқуқшунослар ҳамда кенг китобхонлар оммасини жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

## Адабиётлар

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган (Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги Қонунига мувофиқ киритилган ўзгартиришлар билан).-Т.: Ўзбекистон, 2001.-39 б.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилган).-Т.: Ўзбекистон, 2003.-40 б.

Конституция.-Т.: Адолат, 2003.-56 б.-(Давлат ва миллат рамзлари).

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1991 й. 18 ноябрь //Халқ сўзи.-1991.-27 нояб.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1992 й. 10 декабрь //Халқ сўзи.-1992.-26 дек.

\* \* \*

Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура: Нутқлар, мақолалар, суҳбатлар.-Т.: Ўзбекистон, 1993.-263 б.

Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура.-Т.1.-Т.: Ўзбекистон, 1996.-364 б.

Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.-Т.6.-Т.: Ўзбекистон, 1998.-429 б.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997.-326 б.

Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида.-Т.: Ўзбекистон, 1994.-48 б.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (2001 йил 18 октябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан қайта нашри): Расмий нашр.-Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2001.-384 б.

\* \* \*

Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами: 20 томлик /Ўз ФА А.С.Пушкин ном. Тил ва адабиёт ин-ти, Ҳ.С.Сулаймонов ном.қўлёмалар ин-ти; Таҳрир ҳайъати: Комил Яшин ва бошқ.-Т.: Фан, 1987-2003.

Т.10. Хамса: Сабъаи сайёр /П.Шамсиев илмий-танқидий матни асосида дostonни изоҳлар билан нашрга тайрл. М.Мирзааҳмедова; Масъул муҳаррир А.Ҳайитметов. - 1992.-448 б.

Т.16. Муҳокамат ул-луғотайн: Мезон ул-авзон: Тарихи анбиё ва ҳукамо: Тарихи мулки Ажам: Арбаъин; Сирож ул-муслимин Муножот: Рисолаи таир андахтон /Матнни П.Шамсиев нашри асосида изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрл. С.Ғаниева; Масъул муҳаррир М. Мирзааҳмедова.-2000.-336 б.

Навоий Алишер. Сабъаи сайёр: (Насрий баёни билан) /Таҳрир ҳайъати А.Қаюмов, А.Орипов, А.Ҳайитметов ва бошқ.; Масъул муҳаррир Б.Ҳасанов.-Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1991-544 б.- (Ўзбек адабиёти бўстони).

Темур тузуклари /Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж.; Б.Аҳмедов таҳрири остида.-Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1996.-334 б.

Темур тузуклари / Масъул муҳаррир Муҳаммад Али.-Т.: Шарқ, 2005.-160 б.

\* \* \*

Олим Султонмурод, Жумаев Ш. Давлатимиз рамзлари /Масъул муҳаррирлар: Н.Жўраев, А.Болиев.-Т.: Маънавият, 2002.-40 б.

Олим Султонмурод. Мадҳия.-Т.: Адолат, 2003.-24 б. - (Давлат ва миллат рамзлари).

\* \* \*

Давлат рамзлари //Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат /Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ.; А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда.-Т.: Шарқ, 1998.-Б.38-39.

Давлат рамзлари //Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат /Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ.; А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда.-Т.: Шарқ, 2000.-Б.38-39.

Давлат рамзлари //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3 жилд. Гидрофилия-Зебралар /Таҳрир хайъати: М.Аминов, Б.Аҳмедов, Т.Даминов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2002.-Б.163.

Давлатимиз рамзлари //Ўзбекистон овози.-2002.-4 июнь.

Рамзинг – қанотинг //Орипов А. Адолат кўзгуси: Шеърлар. Мақолалар. Сухбатлар. Таржималар /Сўз боши муаллифи О.Шарафиддинов; Нашрга тайёрловчи, изоҳлар ва сўнг сўз муаллифи Д.Бегимкулов.-Т.: Адолат, 2005.-Б.222-223.

Мингинов Ҳ. Давлат герби, байроқ ҳақида сабоқ: Мактабларда ўқувчиларни Ўзбекистон байроғи, герби ҳақида таништириш //Маърифат.-1996.-6 дек.

Муҳамедов Ҳ. Мустақил юртимизнинг давлат рамзлари: [Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи, герби ва мадҳияси ҳақида] //Тошкент оқшоми.-1995.-12 апр.

Олим Султонмурод. Туғ ва туғро, бурж ва бурч.  
Ватан тимсоллари //Тафаккур.-1994.-№1.-Б.31-36.

Очилов Ў. Давлат эмблемаларини блазонлаштириш  
//Хуқуқ.-Право.-Law.-2001-№ 4.-Б.7-10.

Саидов А. Давлат рамзларига хурмат - муқаддас бурч  
//Хуррият.-2001.-3 янв.

Саидов А. Давлат рамзларига хурмат - муқаддас бурч  
//Хуқуқ.-2001.-№1.-Б.11-13.

Сафаров А. Рамзларда ғурур, фахр туйғулар: [2 июль  
– Давлатимиз герби қабул қилинган кун] //Ватанпарвар.-  
2006.-30 июнь.

Ғафуров Ғ. Бу ватанда бир ватан қурмоқ истайдур  
кўнгил...: Ўзбекистон Республикасининг байроғи, герби,  
мадҳияси ва мустақил давлатчилик ҳуқуқий асослари ҳақида  
//Хабар.-1995.-15 дек.

\* \* \*

Давлат байроғи //Мустақиллик: Изоҳли илмий-  
оммабоп луғат /Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева,  
Г.Абдураззоқова ва бошқ.; А.Жалолов ва Қ.Хоназаров  
умумий таҳририда.-Т.: Шарқ, 1998.-Б.38-39.

Давлат байроғи //Мустақиллик: Изоҳли илмий-  
оммабоп луғат /Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева,  
Г.Абдураззоқова ва бошқ.; А.Жалолов ва Қ.Хоназаров  
умумий таҳририда.-Т.: Шарқ, 2000.-Б.38-39.

Давлат байроғи //Ўзбекистон миллий энцикло-  
педияси. 3 жилд. Гидрофилия-Зебралар /Таҳрир ҳайъати:  
М.Аминов, Б.Аҳмедов, Т.Даминов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон  
миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2002-  
Б.151.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи  
//Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат /Муаллифлар:  
М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ.;

А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда.-Т.: Шарқ, 1998.-Б.269-271.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи //Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат /Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ.; А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда.-Т.: Шарқ, 2000.-Б.269-271.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи //Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат /Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Ф.Абдуллаева ва бошқ.; Р.Рўзиев ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда.-3-тўлд. нашри.-Т.: Шарқ, 2006.-Б.446-448.

Абдулазиз Аслиддин. Ҳилпирайди эрур байроғи // Инсон ва қонун.-2006.-14 нояб.

Боймурод Ашурали. Ўзбекистон байроғи: [Шеър] // Туркистон.-2006.-18 нояб.

Воҳидов Д. Миллий ифтихор //Халқ сўзи.-2000.-18 нояб.

Ёқубов Ш. Озод халқнинг ғурури [18 ноябрь – Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинган кун] //Туркистон.-2005.-16 нояб.

Ёқубов Ш. Сарбаланд бўл, ҳилпира, юртим ялови // Туркистон.-2006.-18 нояб.

Жабборов Р. Истиқлолимиз тимсоли //Мулқдор.-2005.-18 нояб.; Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2005.-18 нояб.

Жабборов Р. Куч-қудратимиз тимсоли //Тошкент оқшоми.-2003.-18 нояб.

Жабборов Р. Озод элнинг муқаддас байроғи //Ишонч.-2004.-17 нояб.; Тошкент ҳақиқати.-2004.-17 нояб.; Халқ сўзи.-2004.-18 нояб.

Жабборов Р. Ҳурлик ва эзгулик байроғи // Тошкент ҳақиқати.-2006.-18 нояб.

Кўчимов А. Ўзбекистон байроғи: [Шеър] //Халқ сўзи.-1993.-21 дек.

Латипова Г. Азиз ва муқаддас тимсоллар //Тошкент оқшоми.-2004.-21 сент.

Мамадалиев З. Ватан байроғи // Ўзбекистон овози.-2006.-18 нояб.

Мансуров Ш., Бердиев Ж. Байроқ: [Ўзбекистон байроғи ҳақида] //Кўзгу.-2000.-17 февр.

Мирзо Ғолиб. Ўзбекнинг байроғи – иқболидек ёрқин, ғуруридек сарбаланд //Ўзбекистон овози.-2002.-16 нояб.; Тошкент оқшоми.-2002.-18 нояб.

Мусурмон Рустам. Ўзбекистон байроғи: [Шеърӣй лаҳза] // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2006.-17 нояб.

Олим Султонмурод. Борлиқ ва бирлик рамзи //Халқ сўзи.-2003.-18 нояб.

Раҳмон Искандар. Ўзбекистон Миллий байроғи: [Шеър] //Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш.-2001.-13 нояб.

Рустамов И. Мустақиллик ва эркинлик рамзи: [Ўзбекистон байроғи ҳақида] //Қишлоқ ҳаёти.-2005.-18 нояб.

Сафаров А. Юртимга керагисан байроғим //Ватан-парвар.-2000.-18 нояб.

Холов Ж. 18 ноябрь Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун //Фидокор.-2005.-17 нояб.

Эгамкулов И. Муқаддас рамз //Савдогар.-2004.-19 нояб.

\* \* \*

Давлат герби //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3 жилд. Гидрофилия-Зебралар /Таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Б.Аҳмедов, Т.Даминов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2002.-Б.155.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби //Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат /Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ.;

А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда.-Т.: Шарқ, 1998.-Б.38-39.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби //Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат /Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ.; А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда.-Т.: Шарқ, 2000.-Б.38-39.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби //Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат /Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Ф.Абдуллаева ва бошқ.; Р.Рўзиев ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда.-3-тўлд. нашри.-Т.: Шарқ, 2006.-Б.448-449.

\* \* \*

Азиз тимсол: [2 июль Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун] //Тошкент ҳақиқати.-2004.-30 июнь.

Акмалов А., Алимов М. Давлатимиз рамзлари – муқаддас тимсоллар: [Ўзбекистон герби ҳақида] //Постда.-2006.-24 июль.

Акмалов А. Барчамиз учун муқаддас туғро: [Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ҳақида] //Тошкент оқшоми.-2004.-2 июнь.

Бегашев Ф. Миллий ғурур тимсоли: [2 июль Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун] //Инсон ва қонун.-2004.-29 июль.

Гули Ҳамро қизи. Бахт куни хумо парвози: Эртақ – мужассам машғулот шарҳи: [Ўзбекистон герби ҳақида] //Мактабгача тарбия.-1994.-№9-10.-Б.6-7.

Жабборов Р. Озод ватан туғроси бу: [2 июль Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун] //Ишонч.-2004.-2 июль.

Мирзо Ғолиб. Ватан каби азиз тимсол //Халқ сўзи.-2003.-2 июль; Тошкент оқшоми.-2003.-2 июль; Қишлоқ хаёти.-2003.-3 июль.

Мустақиллигимиз рамзи //Ишонч.-2000.-1 июль.

Мусурмонова О. Гуруримиз ва ифтихоримиз тимсоли //Ўзбекистон овози.-2004.-1 июль.

Обрўев А. Тарбия воситаси //Ватанпарвар.-2004.-1 июль.

Раҳимбердиев А. Гербимиз – фаҳримиз //Ўзбекистон овози.-1997.-1 июль.

Сафаров М. Ор-номусимиз ва кадр-қимматимиз рамзи //Халқ сўзи.-1999.-2 июль.

Қосимова Д. Давлатимиз рамзлари муқаддас //Тошкент оқшоми.-2002.-1 июль.

Ҳакимов О. Давлат хумоси //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2004.-2 июль.

\* \* \*

Давлат гимни //Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат /Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ.; А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда.-Т.: Шарқ, 1998.-Б.43-44.

Давлат гимни //Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат /Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ.; А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда.-Т.: Шарқ, 2000.-Б.43-44.

Давлат мадҳияси //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3 жилд. Гидрофилия-Зебралар /Таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Б.Аҳмедов, Т.Даминов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2002.-Б.157.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат гимни //Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат /Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Ф.Абдуллаева ва бошқ.;

Р.Рўзиев ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда.-3-тўлд. нашри.  
-Т.: Шарқ, 2006.-Б.449-450.

\* \* \*

Абдуллаев М. Ифтихор мадҳияси //Халқ сўзи.-1998.-  
10 дек.

Акмалов А., Мирусмонова Т. Барча учун муқаддас  
кадрият //Тошкент оқшоми.-2003.-10 дек.

Бурхонов М. Ўзбекистон Республикасининг Давлат  
мадҳияси /А.Орипов сўзи [Ўзбекистон Республикаси Олий  
Кенгашининг XI сессиясида қабул қилинган] //Гулистон.-  
1993.-№1.-Муқованинг 2 бетида.

Жабборов Р. Ўзбекнинг мангу қўшиғи: [Ўзбекистон  
Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинганлигига 13  
йил тўлгани хусусида] //Халқ сўзи.-2005.-10 дек.

Йўлдошев Ш. Ўзбекистон Республикаси Давлат  
мадҳияси матн ва мусиқаси вариантлари муаллифларини  
муқофотлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий  
Кенгашининг Қарори 1992 й. 10 дек., №770-ХII //Ўзбекистон  
Республикаси Олий Кенгаши ахбороти.-1993.-№1.-Б.208.

Мирзо Ғолиб. Олам узра жаранглайди мадҳияси  
//Тошкент оқшоми.-1994.-9 дек.

Норматов И. Озодлик оҳанги //Фидокор.-2004.-19 авг.

Норматов К. Истиклол шарҳидай муқаддас қасида  
//Ватан.-1997.-13 февр.

Олим Султонмурод. Ватан ва ғурур мезони //Халқ  
сўзи.-2003.-10 дек.

Орипов А. Мадрҳия давлатнинг муҳим белгисидир  
//Халқ сўзи.-1993.-1 янв.

Очилов Н. Абадий қўшиқ: [10 декабрь Ўзбекистон  
Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун] //Халқ  
сўзи.-2004.-10 дек.; Тошкент оқшоми.-2004.-10 дек.

Очилов Ў. Мадҳия Давлат суверенитетининг муҳим  
белгиси: Жамият, сиёсат ва ҳуқуқ //Ҳуқуқ-Право-Law.-1999.-  
№2.-Б.30-33.

Хўжаев М. Улуғ халқ қудрати жўш урган замон  
//Ишонч.-1999.-10 дек.

Эгамбердиева З. Мадҳиямизни куйлашни биласизми?  
//Ўзбекистон овози.-1996.-14 март.

Босишга рухсат этилди 2006 йил 24 Ноябрь  
Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub> наshr. т. 3,5 Адади 300 нусха.  
Буюртма №

---

Тошкент, Ҳ.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий  
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида  
чоп этилди